



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 27 » may

№ 328

Toshkent sh.

### **Корея Эксимбанкнинг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси билан молиявий ҳамкорликда “Катталар учун кўп тармоқли замонавий тиббиёт марказини барпо этиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ–4301-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш, халқаро стандартларга мос бўлган юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам турларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Корея Республикаси Ҳукумати томонидан 2019 йил 27 июнда Корея Эксимбанкнинг Иқтисодий ривожлантириш ва ҳамкорлик жамғармаси (кейинги ўринларда – EDCF жамғармаси) томонидан “Катталар учун кўп тармоқли замонавий тиббиёт марказини барпо этиш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига 10 йил имтиёзли давр билан 40 йил муддатга 0,15 % йиллик фоиз ставкасида жами 124 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ошмайдиган миқдорда Корея вонидан имтиёзли қарз ажратилиши маъқулланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва EDCF жамғармаси ўртасида 2021 йил 28 январда лойиҳа юзасидан қарз битими имзоланганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган, тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан сотиб олинadиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага, шунингдек, уларни олиб киришга қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмаслиги қонунчилик ҳужжатларида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) EDCF жамғармаси қарзидан мақсадли фойдаланиш

ҳамда лойиҳани самарали амалга ошириш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (кейинги ўринларда – Миллий банк) EDCF жамғармаси қарзи бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида молиявий агент ҳисобланади;

EDCF жамғармаси бўйича асосий қарз, унга ҳисобланган фоиз, воситачилик ҳақи ҳамда бошқа тўловларни қоплаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қопланади.

### 3. Қуйидагилар:

“Катталар учун кўп тармоқли замонавий тиббиёт марказини барпо этиш” лойиҳаси техник-иқтисодий ҳисоб-китобининг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

“Катталар учун кўп тармоқли замонавий тиббиёт марказини барпо этиш” лойиҳаси бўйича Корея Эксимбанкнинг Иқтисодий ривожлантириш ва ҳамкорлик жамғармаси бўйича асосий қарз, унга ҳисобланган фоиз ва воситачилик ҳақини тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикаси номидан Вазирлик ва Миллий банк (молиявий агент) ўртасида EDCF жамғармаси қарзидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича агентлик битимини имзолаш ваколати берилсин.

5. Миллий банкка EDCF жамғармаси қарзи бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Корея Республикасининг ваколатли банки билан банклараро шартномани имзолаш ваколати берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги имзоланган қарз битими бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарига “Катталар учун кўп тармоқли замонавий тиббиёт марказини барпо этиш” лойиҳаси техник-иқтисодий ҳисоб-китобига лойиҳани амалга ошириш доирасида тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда Тошкент шаҳри, Яшнобод туманида жойлашган собиқ 56-сон ҳарбий шаҳарча ҳудудининг:

Болалар миллий тиббиёт маркази ва ер усти метро линияси оралиғидаги 15,3 гектар бўш ер участкасини бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳар ҳокимлиги захира фондига топширилишини;

ер усти метро линияси ва “Қорасув” кўчаси оралиғидаги 5,05 гектар ер участкасининг ушбу ҳудудда жойлашган кўчмас мулк объектлари билан биргаликда белгиланган тартибда кўчирилгандан сўнг Тошкент шаҳар ҳокимлиги захира фондига олинишини таъминласин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Тошкент шаҳар ҳокимлиги захира фондига олинган 15,3 гектар бўш ер участкасининг 10 гектарини лойиҳани амалга ошириш учун белгиланган тартибда Вазирликка доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиб берилишини таъминласин.

**9. Вазирлик:**

а) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда лойиҳа ва келгусида EDCF жамғармаси қарзи ҳисобига соғлиқни сақлаш тизимига тегишли лойиҳаларни мувофиқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан 6 та штат бирлигидан иборат бўлган бирлашган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳини ташкил қилсин ва уни юқори малакали ходимлар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

б) Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда лойиҳа доирасида олиб келинадиган тиббий техника ва тиббий буюмларни, истисно тариқасида, давлат рўйхатидан ўтказмасдан ҳамда мажбурий сертификациялаштиришдан озод этган ҳолда божхона расмийлаштирувидан ўтказсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Вазирликнинг буюртманомалари бўйича лойиҳада иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

**“Катталар учун кўп тармоқли замонавий тиббиёт марказини барпо этиш”  
техник-иқтисодий ҳисоб-китобининг асосий техник-иқтисодий  
ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Компонентнинг номи	Ўлчов бирлиги	Жами	Мўлжалланаётган молиялаштириш манбалари	
				EDCF қарзи**	Бюджет маблағлари
1	<b>Лойиҳанинг умумий қиймати*</b>	минг АҚШ долл (экв)	149 796,0	124 000,0	25 796,0
2	<b>Капитал қўйилмалар суммаси, жами</b>	минг АҚШ долл.	99 337,9	99 337,9	
	<i>Шу жумладан, компонентлар бўйича:</i>				
2.1	1-компонент: Қурилиш	минг АҚШ долл.	43 533,8	43 533,8	
2.2	2-компонент: Тиббий техника, тиббий буюм ва жиҳозлар хариди	минг АҚШ долл.	49 938,0	49 938,0	-
2.3	3-компонент: Консалтинг хизматлари	минг АҚШ долл.	5 225,6	5 225,6	-
2.4	4-компонент: Ахборот тизими	минг АҚШ долл.	4 366,1	4 366,1	-
2.5	5-компонент: Ускуналар/мебель	минг АҚШ долл.	1 500,0	1 500,0	-
2.6	6-компонент: Ўқитиш ва малака ошириш	минг АҚШ долл.	5 053,1	5 053,1	-
2.7	7-компонент: Кўзда тутилмаган харажатлар	минг АҚШ долл.	14 259,4	14 259,4	-
3	<b>Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона имтиёзлари шаклидаги улуши</b>	минг АҚШ долл (экв)	24 296,0	0,00	24 296,0
4	<b>Лойиҳани бошқариш</b>	минг АҚШ долл (экв)	400,0		400,0
5	<b>Бошқа харажатлар, жами</b>	минг АҚШ долл (экв)	1 224,0	124,0	1 100,0
6	<b>Муассаса қуввати:</b>	<b>койка сони</b>		<b>300</b>	
7	<b>Кутилаётган банд бўлганлар сони</b>	<b>одам сони</b>		<b>720</b>	
8	<b>Лойиҳани амалга ошириш даври</b>	<b>ой</b>		<b>44</b>	
9	<b>қарзни қайтариш муддати</b>	<b>йил</b>		<b>40</b>	
	<i>Шу жумладан асосий қарзнинг имтиёзли даври</i>	<b>йил</b>		<b>10</b>	

\* Якуний харажатлар кўрсаткичлари товар ва хизматларни етказиб бериш бўйича тендер натижалари бўйича аниқланади.

\*\* Қарз маблағлари АҚШ доллари эквивалентида Корея вонига тақдим этилади.

**“Катталар учун кўп тармоқли замонавий тиббиёт марказини барпо этиш” лойиҳаси бўйича  
Корея Эқсимбанкнинг Иқтисодий ривожлантириш ва ҳамкорлик жамғармаси бўйича  
асосий қарз, унга ҳисобланган фоиз ва воситачилик ҳақини тўлашнинг  
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

Қарз суммаси	124 млн АҚШ долл. эквивалентида*
Қарзни қайтариш муддати	40 йил
Шу жумладан имтиёзли давр	10 йил
Фоиз ставкаси (маъмурий харажатларни ўз ичига олган ҳолда)	0,15% йиллик

АҚШ долл.

Тўлов санаси	Тўловлар	Воситачилик ҳақи	Жами ўзлаштириш	Сўндириш суммаси	Жами қарздорлик	Фоиз ставкаси	Жами ҳисобланган	Жами харажатлар	Жами тўловлар суммаси**
01.07.2021	1 541 997	1 544	1 543 541		1 543 541	0,15%			
01.01.2022	8 977 702	8 987	8 986 689		10 530 229	0,15%	1 167	1 167	1 167
01.07.2022	1 932 294	1 934	1 934 228		12 464 457	0,15%	7 833	7 833	9 000
01.01.2023	20 199 800	20 220	20 220 020		32 684 477	0,15%	9 425	9 425	18 425
01.07.2023	17 973 268	17 991	17 991 259		50 675 737	0,15%	24 312	24 312	42 737
01.01.2024	15 710 970	15 727	15 726 697		66 402 433	0,15%	38 319	38 319	81 056
01.07.2024	57 539 969	57 598	57 597 567		124 000 000	0,15%	49 665	49 665	130 722
01.01.2025					124 000 000	0,15%	93 764	93 764	224 486
01.07.2025					124 000 000	0,15%	92 236	92 236	316 722
01.01.2026					124 000 000	0,15%	93 764	93 764	410 486
01.07.2026					124 000 000	0,15%	92 236	92 236	502 722
01.01.2027					124 000 000	0,15%	93 764	93 764	596 486
01.07.2027					124 000 000	0,15%	92 236	92 236	688 722
01.01.2028					124 000 000	0,15%	93 764	93 764	782 486
01.07.2028					124 000 000	0,15%	92 745	92 745	875 231
01.01.2029					124 000 000	0,15%	93 764	93 764	968 996
01.07.2029					124 000 000	0,15%	92 236	92 236	1 061 231
01.01.2030					124 000 000	0,15%	93 764	93 764	1 154 996
01.07.2030					124 000 000	0,15%	92 236	92 236	1 247 231

01.01.2031					124 000 000	0,15%	93 764	93 764	1 340 996
01.07.2031					121 933 333	0,15%	92 236	2 158 902	3 499 898
01.01.2032				2 066 667	119 866 667	0,15%	92 202	2 158 868	5 658 766
01.07.2032				2 066 667	117 800 000	0,15%	89 654	2 156 320	7 815 086
01.01.2033				2 066 667	115 733 333	0,15%	89 076	2 155 743	9 970 829
01.07.2033				2 066 667	113 666 667	0,15%	86 087	2 152 753	12 123 583
01.01.2034				2 066 667	111 600 000	0,15%	85 951	2 152 617	14 276 200
01.07.2034				2 066 667	109 533 333	0,15%	83 012	2 149 679	16 425 879
01.01.2035				2 066 667	107 466 667	0,15%	82 825	2 149 492	18 575 371
01.07.2035				2 066 667	105 400 000	0,15%	79 938	2 146 604	20 721 975
01.01.2036				2 066 667	103 333 333	0,15%	79 700	2 146 366	22 868 341
01.07.2036				2 066 667	101 266 667	0,15%	77 288	2 143 954	25 012 295
01.01.2037				2 066 667	99 200 000	0,15%	76 574	2 143 241	27 155 536
01.07.2037				2 066 667	97 133 333	0,15%	73 788	2 140 455	29 295 992
01.01.2038				2 066 667	95 066 667	0,15%	73 449	2 140 115	31 436 107
01.07.2038				2 066 667	93 000 000	0,15%	70 714	2 137 381	33 573 488
01.01.2039				2 066 667	90 933 333	0,15%	70 323	2 136 990	35 710 478
01.07.2039				2 066 667	88 866 667	0,15%	67 639	2 134 306	37 844 784
01.01.2040				2 066 667	86 800 000	0,15%	67 198	2 133 864	39 978 648
01.07.2040				2 066 667	84 733 333	0,15%	64 922	2 131 588	42 110 236
01.01.2041				2 066 667	82 666 667	0,15%	64 072	2 130 739	44 240 975
01.07.2041				2 066 667	80 600 000	0,15%	61 490	2 128 157	46 369 133
01.01.2042				2 066 667	78 533 333	0,15%	60 947	2 127 614	48 496 746
01.07.2042				2 066 667	76 466 667	0,15%	58 416	2 125 083	50 621 829
01.01.2043				2 066 667	74 400 000	0,15%	57 821	2 124 488	52 746 317
01.07.2043				2 066 667	72 333 333	0,15%	55 341	2 122 008	54 868 325
01.01.2044				2 066 667	70 266 667	0,15%	54 696	2 121 363	56 989 687
01.07.2044				2 066 667	68 200 000	0,15%	52 556	2 119 222	59 108 910
01.01.2045				2 066 667	66 133 333	0,15%	51 570	2 118 237	61 227 147
01.07.2045				2 066 667	64 066 667	0,15%	49 192	2 115 859	63 343 006
01.01.2046				2 066 667	62 000 000	0,15%	48 445	2 115 112	65 458 117
01.07.2046				2 066 667	59 933 333	0,15%	46 118	2 112 784	67 570 902
01.01.2047				2 066 667	57 866 667	0,15%	45 319	2 111 986	69 682 888
01.07.2047				2 066 667	55 800 000	0,15%	43 043	2 109 710	71 792 598



01.01.2048				2 066 667	53 733 333	0,15%	42 194	2 108 861	73 901 458
01.07.2048				2 066 667	51 666 667	0,15%	40 190	2 106 856	76 008 315
01.01.2049				2 066 667	49 600 000	0,15%	39 068	2 105 735	78 114 050
01.07.2049				2 066 667	47 533 333	0,15%	36 894	2 103 561	80 217 611
01.01.2050				2 066 667	45 466 667	0,15%	35 943	2 102 610	82 320 220
01.07.2050				2 066 667	43 400 000	0,15%	33 820	2 100 486	84 420 707
01.01.2051				2 066 667	41 333 333	0,15%	32 818	2 099 484	86 520 191
01.07.2051				2 066 667	39 266 667	0,15%	30 745	2 097 412	88 617 603
01.01.2052				2 066 667	37 200 000	0,15%	29 692	2 096 359	90 713 962
01.07.2052				2 066 667	35 133 333	0,15%	27 824	2 094 490	92 808 452
01.01.2053				2 066 667	33 066 667	0,15%	26 567	2 093 233	94 901 685
01.07.2053				2 066 667	31 000 000	0,15%	24 596	2 091 263	96 992 948
01.01.2054				2 066 667	28 933 333	0,15%	23 441	2 090 108	99 083 056
01.07.2054				2 066 667	26 866 667	0,15%	21 522	2 088 188	101 171 244
01.01.2055				2 066 667	24 800 000	0,15%	20 316	2 086 982	103 258 226
01.07.2055				2 066 667	22 733 333	0,15%	18 447	2 085 114	105 343 340
01.01.2056				2 066 667	20 666 667	0,15%	17 190	2 083 857	107 427 197
01.07.2056				2 066 667	18 600 000	0,15%	15 458	2 082 124	109 509 321
01.01.2057				2 066 667	16 533 333	0,15%	14 065	2 080 731	111 590 052
01.07.2057				2 066 667	14 466 667	0,15%	12 298	2 078 965	113 669 017
01.01.2058				2 066 667	12 400 000	0,15%	10 939	2 077 606	115 746 623
01.07.2058				2 066 667	10 333 333	0,15%	9 224	2 075 890	117 822 513
01.01.2059				2 066 667	8 266 667	0,15%	7 814	2 074 480	119 896 994
01.07.2059				2 066 667	6 200 000	0,15%	6 149	2 072 816	121 969 809
01.01.2060				2 066 667	4 133 333	0,15%	4 688	2 071 355	124 041 164
01.07.2060				2 066 667	2 066 667	0,15%	3 092	2 069 758	126 110 922
01.01.2061				2 066 667	0		1 563	2 068 229	128 179 152
<b>Жами</b>	<b>123 876 000</b>	<b>124 000</b>	<b>124 000 000</b>	<b>124 000 000</b>		<b>11,85%</b>	<b>4 179 152</b>	<b>128 179 152</b>	

\* Қарз маблағлари АҚШ доллари эквивалентида Корея вонида тақдим этилади.

\*\* Тўлов миқдори қарз бўйича амалдаги ўзлаштириш саналарига аниқлаштириб борилади.

